Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази
“Олий маълумотли тиббиёт хамширалари” кафедраси

Даволаш профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекциясини олдини олиш борасида қабул қилинган норматив хужжатлар

ТОШКЕНТ 2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИДАН КЎЧИРМАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни (2015 й., 20, 21, 30, 39-моддалар);

2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”гиҚонуни (1996й., 3, 13,34-моддалар);

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиштўғрисида”гиҚонуни (1991 й.);

4. Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиштўғрисида”ги Қонуни(1996 й., 4, 11,21,22-моддалар);

5. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдалаништўғрисида”ги Қонуни(2009 й., 8, 40,41-моддалар).

Шифохона ички инфекциялари профилактикаси бўйича амалдаги 0342-17-сонли санитария қоида ва меъёрлари

- Санитария-эпидемология қоидалари даволаш-профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекциялари келиб чиқиши ва уларнинг тарқалишини олдини олишга қаратилган санитария-гигиена, профилактика ва эпидемияга қарши тадбирлар мажмуаси бўйича асосий талабларни белгилайди.
- Санитария-эпидемиология қоидаларининг бажарилишини назорат қилиш Давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширувчи органлар зиммасига юклатилади.

Шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича амалдаги 0342-17-сонли санитария қоида ва меъёрлари

Шифохона ички инфекцияси – бемор шифохонага келиши ёки тиббий ёрдам сўраб ДПМга мурожаат қилиши натижасида, касаллик белгиларининг стационарда ёки стационардан чиққанидан сўнг пайдо бўлишидан қатъий назар, беморни шикастловчи микробдан келиб чиққан ҳар қандай клиник акс этган касаллик ҳамда шифохона муассасаси ходимининг мазкур муассасада ишлаши жараёнида унга инфекция юқиши натижасидаги юқумли касаллик ҳисобланади.

Шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича амалдаги 0342-17-сонли санитария қоида ва меъёрлари

Шифохона ичи инфекциясининг кенг тарқалишига асептика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг бузилиши билан бир қаторда, мураккаб диагностик ва даволаш муолажалари, оператив фаолликни ошиши, тиббий-диагностик амалларнинг кўпайиши сабаб бўлмоқда.

“Шифохона ичи инфекцияси профилактикаси” тўғрисида”ги 0342-17-сонли санитария қоида ва меъёрлари.

Республика Бош Давлат санитария врачи томонидан 2017 йил 10 январда тасдикланган.

Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган.

- 1-боб. Қўлланиладиган соҳа.
- 2-боб. Умумий қоидалар.
- 3-боб. Қабул бўлимларида ШИИ профилактикаси.

4-боб. Соматик йўналишдаги шифохоналарда (бўлимларда) ШИИ профилактикаси.

5-боб. Жаррохлик йўналишидаги стационарларда (бўлимларда) ва жаррохлик кабинетларда ШИИ профилактикаси.

6-боб. Акушерлик стационарларида (бўлимларда) ШИИ профилактикаси.

7-боб. Юқумли касалликлар шифохоналарида (бўлимларида) ШИИ профилактикаси.

8-боб. Тери-таносил касалликлари шифохоналари ва диспансерларида ШИИ профилактикаси.

9- боб. Тез ёрдам станцияларида ШИИ профилактикаси.

10-боб. Қон хизмати билан шуғуланадиган муассасаларда ШИИ профилактикаси.

11-боб. Клиника-диагностика лабораторияларида ШИИ профилактикаси.

12-боб. Эндоскопик хизмат вақтида юқумли касалликларини олдини олиш.

13-боб. Физиотерипия бўлимлари ва кабинетларида ШИИ профилактикаси.

14-боб. Кирхоналарни таркибий қисми, жиҳозланиши ва эксплутатцияси.

15-боб. ДПМларда беморларни овқатланишини ташкил этишда санитария-гигиена талаблари.

16-боб. ДПМларни дезокамера блокларига қўйилган гигиеник талаблар.

17-боб. ДПМларни зарарсизлантирувчи моддаларга бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш.

18-боб. Патологоанатомик бўлимларда санитария гигиена ва эпидемияга қарши кураш тартиблари.

1-илова. Тиббиёт ходимининг қўл гигиенасига қўйилган талаблар.

2-илова. ДПМ дезинфекция ва стерилизация тадбирларини ташкил этиш.

3-илова. Бино, иншоотлар ва жиҳозларга қўйиладиган талаблар.

17 та жадвалдан иборат.

Муолажа хонасига қўйиладиган талаблар:

- Муолажа хонаси-диагностик ва даволаш амалиётини ўтказиш жойи хисобланади.
- Фаолиёт тури ва тармоқ йўналишидан қатъий назар муолажа хонаси эхтиёжга кўра зарур бўлган жиҳоз ва анжомлар билан таъминланган бўлиши шарт.
- Муолажа хонасида одатдаги тартибда ва ярим ётоқ режимида бўлган беморларга тиббий хизмат (инъекциялар - м/о, т/о, т/ичига) кўрсатилади.
- Муолажа хонасида – бемордан қон наъмунаси олиш каби диагностик муолажалари хам ўтказилади.

Муолажа хонасига қўйиладиган талаблар

- Муолажалар ушбу Сан Қ ва М нинг 1-иловаси талабига мувофиқ қўл гигенасига амал қилган холда, алоҳида махсус кийим – бош билан бир маротабалик шприц, игна ва ситемалар билан амалга оширилиши керак.
- *Томир ичи, ости ва мускул орасига қилинадиган инъекциялар учун тоза тиббиёт пахтаси ишлатилади.*
- *Беморга ўтказилиши лозим бўлган муолажа муолажа хонасида амалга оширилиши имкони бўлмаганида беморни тўшагида ўтказилиши мумкин.*

Муолажа хонасига қўйиладиган талаблар

- Муолажаларни палаталарда ўтказилиши учун мобил-аравачали – столча (1-2 қаватли) ташкил этиш лозим. Столчани юқори қавати “Стерил” пастки қавати “ностерил” га ажратилади.
- Столчанинг юқориги қаватида бир маротабали шприцлар, система ва тоза тиббиёт пахтаси, қўлга ишлов бериш учун антисептик қўйилади. Тўплам усти тоза плёнка билан қопланади.

Муолажа хонасига қўйиладиган талаблар

- Барча томир ичи инекциялари кўрув қўлқопларида амалга оширилади.
- Беморга кўрув қўлқопларини қайта ишлатишга рухсат берилди (бир смена давомида) . Муолажадан аввал хамшира қўлини антисептик билан ишлов бергандан сўнг (ушбу Сан Қ ва М нинг 1-иловаси талабига мувофиқ)

Ларингаскопларни тозалаш ва дезинфекция қилишга талаблар

- Ларингоскопия – бу беморнинг овоз пайлари ва ҳалқумини текшириш усулидир.
- Ларингоскопларни тозалаш ва юқумсизлантириш газли хамда плазмали стерилзация усулида амалга оширилиши лозим. Уларни термик ишловдан ўтказиш имкони йўқ. Чунки уларнинг кўзгули сатҳи ва аккумулятори бунга имкон бермайди.



Ларингаскопларни тозалаш ва дезинфекция қилишга талаблар

- Бундай ҳолларда стерилизациянинг алътернатив усули юқори даражадаги дезинфекциядир.
- Кимёвий дезинфекция ўтказишда анжом ёки ускунанинг фойдаланиш учун чиқарилган қўлланмасига асосан таклиф этилган воситанинг концентрацияси ва дезинфекция муддатига (экспазиция) эътибор бериш лозим.
- Ларингоскопларни ҳар сафар ишлатилгандан сўнг ювилади, тозаланади, дезинфекция килинади.

Қон тайёрлаш ва қуйиш хизмати муассасаларида ШИИ профилактикаси.

- Санитария-гигиеник қоидалар қон хизмати муассасаларида шифохона ички инфекциялари пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олишни таъминлайдиган санитария-гигиеник, профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар мажмуига қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

- Асбоб-анжомларга ишлов бериш бўйича дезинфекция тадбирлари, кундалик тозалашлар амалдаги ҳужжат талабларига биноан амалга оширилади.

Қон тайёрлаш ва қуйиш хизмати муассасаларида ШИИ профилактикаси.

- Қон тайёрлаш фақатгина стерил бир марталик пластик гемоконтейнерлар, бир марталик қон қуйиш системалари, бир марталик стерил қўлқоплар ва боғлаш материалларини қўллаш орқали амалга оширилади.
- Таҳлиллар учун қон намуналари бир марталик пробиркаларга тўпланади, ишлатилганидан сўнг улар автоклавда йўқ қилинади.

Тиббиёт ходимлари хавфсизлиги чоралари

- Барча қон намуналарига парентерал вирусли гепатитлар ва ОИВинфекцияси қўзғатувчилари бўлиши мумкинлиги инобатга олган ҳолда потенциал хавфли деган муносабатда бўлиш керак.
- Иш столлари юзалари иш куни якунида (қон билан ифлосланган тақдирда эса дарҳол) дезинфекция воситалар билан мазкур воситага тегишли методик кўрсатмалар талабларига асосан зарарсизлантирилади.
- Ходимлар вирусли гепатитнинг В ва С маркерларига амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ йилда камида бир марта текширилади.

Даволаш мухофазалаш муассасаларида дезинфекцияловчи моддаларга бўлган эхтиёжни хисоблаш

- Даволаш-муассасаларининг хар бир таркибий бўлими ўз фаолияти учун зарур бўлган дез. моддаларга бўлган этиёжни хисоблаш ишларини олиб боради.
- Эхтиёжни хисоб-китоб қилиш учун даволаш профилактика муассасасининг ички буйруқ билан бош врач ўринбосари раислигида ишчи гурухҳ тузилади. Эхтиёжни тўғри хисоблаш мақсадида дез-калъкулятор тушунчаси киритилган.

Эътиборингиз учун рахмат